



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 168 (14.015)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ДЕКЛАРАЦИЯ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМСИДА ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ҚАТНАШДИ

**Саудия Арабистони пойтахти – Жидда шаҳрида Ислам ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш ва маромига етказиш юзасидан ҳужжатлараро ишчи гуруҳининг 3-мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ислам ҳамкорлик ташкилоти котибияти ва ИҲТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси томонидан ташкил этилди.**

Тадбирдан кўзланган мақсад ИҲТ котибияти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ишлаб чиққан декларация матнини яқини тахрир-дан чиқаришдир. Ҳужжат лойиҳаси ИҲТ Ташки ишлар вазирлари Кенгашининг 2015 йилда бўлиб ўтган 42-сессияси қарорига биноан тайёрланган.

Мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг биринчи ўринбосари Мирзатилла Тиллабоев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди. Бирлашган Араб Амирликлари Ташки ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича департаменти директори элчи Саид ал-Этер ҳужжатлараро ишчи гуруҳи мажлисига раислик қилди. Элчи ИҲТга аъзо давлатларда инсон ҳуқуқлари бўйича ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини оширишда ушбу халқаро ташкилотнинг роли кучайиб бораётганини қайд этди.

Декларация лойиҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар ва ислом қадриятлари ўз муассамасини топган. Янги ҳужжат ислом динининг инсон ҳуқуқларига доир энг асосий концепцияларини ўзида акс эттирди.

ИҲТ Бош котибининг ўринбосари элчи Таҳри Али Ваҳит бунга қадар ИҲТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси сифатида қабул қилинган Исламда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қоҳира декларацияси ташкилотга аъзо давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон стандартларига қатъий содиқлигини намоён этганига эътиборни қаратди. Элчининг фикрича, ИҲТга аъзо давлатларнинг бу борадаги таърифи ва жамоавий хоҳиш-иродаси янги декларацияни ишлаб чиқишда алоҳида ўрин тутди.

ИҲТ Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳаси муҳокамаларида Ўзбекистон, Покистон, Марокаш, Миср, Туркия, Саудия Арабистони, Фаластин, Мавритания, Кувейт, Қатар ва бошқа давлатлар вакиллари ўз таълиф-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимиз вакиллари томонидан

анжуман иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон илгари сурган БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва айни вақтда халқаро миқёсда муҳокама қилинаётгани, 2018 йилда Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми бўлиб ўтгани ҳамда ушбу халқаро анжуман якунида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг расмий ҳужжати мақомига эга бўлгани ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Октябрь ойи бошида ИҲТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси офиси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган йирик халқаро анжуман ўтказди. Ушбу нуфузли семинар якунида Ислам ҳамкорлик ташкилоти аъзо мамлакатларида ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди. Бу ҳақда ахборот ҳам мажлис аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланиш учун ўз номзодини илгари сурган. Жидда анжумани иштирокчиларининг эътирофи эътишча, шу мақсадда мамлакатимиз томонидан "Ихтиёрий мажбуриятлар ва Бош Ассамблеянинг 60/251-резолюцияси доирасидаги мажбуриятлар" номи ҳужжат ишлаб чиқилгани ҳамда миллий парламентда маъқуллангани жуда муҳимдир.

Шуни таъкидлаш кераки, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Исламда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Қоҳира декларацияси ИҲТ Ташки ишлар вазирлари Кенгашининг 1990 йили Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган 19-сессиясида қабул қилинган. Ушунда бу ҳужжат ИҲТ доирасида инсон ҳуқуқлари мавзусини муҳокама қилиш йўлидаги дастлабки амалий қадам бўлган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази матбуот хизмати.

ЎЗА



## ШИНЖОН МАҲСУЛОТЛАРИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

**Тошкентда 12 ноябрь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Шинжон палатаси кўмағида Шинжон маҳсулотлари халқаро кўргазмаси ташкил этилди.**

"Кичик бизнес жиҳозлари ва буюмлари" деб номланган кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икромов, Хитойнинг Шинжон мухтор провинцияси раиси ўринбосари Жао Цинь ва бошқарув давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланаётгани, айниса, савдо-иқтисодий алоқалар кўлами жадал кенгайиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида Хитой ўзаро савдо айланишми хажми бўйича биринчи ўринга чиққани мамнуният билан қайд этилди.

Тадбирни ташкил этишдан кўзланган мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуналар, мини-технологиялар, шунингдек, тайёр маҳсулотлар соҳасида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармовий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан иборат.

Кўргазмада Хитойнинг қурилиш, қадоклаш материаллари, электр жиҳозлари, тиббий асбоблар, пластмасса буюмлар ишлаб чиқарадиган, шунингдек, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, логистика, машинасозлик каби соҳаларга ихтисослашган 40 та етакчи компанияси ва 100 дан ортиқ маҳаллий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқда.

Маҳсулотлар озиқ-овқат ва қадоклаш, қурилиш ва қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги технологиялари, тўқимачилик, кийим-кечак ва пойабзал, транспорт ва консалтинг хизматлари, кимё соаноати, соғлиқни сақлаш йўналиши, металл тармоқлари, энергетика, ўлат конструкциялари ва бошқа кўплаб алоҳида бўлимларда намоёишига кўйилган.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани Сав-

до-саноат палатаси томонидан тақдим этилган статистик рақамларда ҳам яққол акс этган. Масалан, 2018 йилда икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 6,42 миллиард долларни ташкил этди. Бу 2017 йил якунига нисбатан 35,2 фоиз кўндир. Ушбу давр мобайнида экспорт 41,6 фоиз, импорт миқдори 30,4 фоиз ортган.

Экспорт асосан табиий газ, хизматлар, қуворлар транзити, тўқимачилик маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса буюмлар, уран, мис, тери хом ашёси, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган.

Импорт маҳсулотлари рўйхатида механик ва электр жиҳозлари, кимёвий, резина, пластмасса ва қора металл буюмлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика йўналишлари етакчилик қилмоқда.

Сўнгги пайтда Хитойга табиий газ, тўқимачилик моллари ва этилен полимер етказиб бериш хажми ошганини таъкидлаш жоиз. Мош, гилос, қуритилган мева, гилам каби янги турдаги маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди. Хусусан, 2018 йилда Чин юртига 500 тоннадан зиёд гилос, 23 миң тоннадан зиёд яшил ловия, 26 тонна узум уруғи, 10,5 миң тоннадан ортиқ майиб жўнатилган.

Кўргазмага ташриф буюрганларга маҳсулотлар ва етказиб берувчилар тўғрисида баътафсил маълумот берилди. Шунингдек, "В2В" форматидagi учрашувлар орқали ишлаб чиқарувчи ёки компания вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатish, турли масалаларни норасмий муҳитда муҳокама қилиш имконияти яратилган.

Файрат ХОННАЗАРОВ



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззах шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда профессионал сайлов тизими" мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

● Андижонда Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодларни саралаш танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Жорий йилда Андижон вилоятда мазкур танлов номзодларини саралаш бўйича таълим муассасалари ҳамда туман ва шаҳар босқичларида 1 миңг 734 иқтидорли қиз қатнашган бўлса, вилоят босқичида адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт, жамоатчилик фаолияти йўналишлари бўйича 223 ёш иқтидор соҳибаси ўз имкониятларини синовдан ўтказди. Турли йўналишлар бўйича энг яхши натижаларга эришган иқтидорли қизлар танловнинг мамлакат саралаш босқичида қатнашишга тавсия этилди.

● Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 4-оилавий поликлиника мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шифо масканининг Тиббиёт ходимлари куни касб байрами арафасида фойдаланишга топширилган шаҳардаги 4 та маҳалла худудида истиқомат қилувчи 15 миңг аҳоли ҳамда шу поликлиникада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари учун қурувчиларнинг муносиб байрам тухфаси бўлди.

## ЖАҲОНДА

● Иорданияда ниқоб кийган номаълум кимса асосан хорижлик – Швейцария, Мексика фуқаролари бўлмиш саккиз нафар сайёҳни пичоклаб жароҳатлаганидан кейин полиция томонидан қўлга олинган. Жабрланганларнинг 4 нафарининг аҳоли оғир бўлиб, улар касалхонага ётқизилган. Ҳозирда 22 ёшли ушбу жиноятчининг шахси аниқланган бўлиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Германияда касабга уюшмалари томонидан қўллаб-қувватлангани ҳолда "Люфтганза" авиакомпанияси парвоз бекаларининг қирқ саккиз соатлик иш ташлашлари катта муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, 150 та ҳаво рейси бекор қилиниб, 180 миңг йўловчи ўз манзилларига ета олмай қолди.

## Сайлов – 2019

### МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИФИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ишларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Ж.Ортиқхўжаев Тошкент шаҳрида сайловларга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Содиқовнинг сайлов участкаларининг алоқа воситалари билан таъминланганига юзасидан маълумоти тинглан-ди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган депутатликка ном-

зодларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиш натижалари муҳокама қилинди. Йиғилиш доирасида Халқаро матбуот маркази Бухоро вилояти бўлими вакиллари билан сайлов жараёнига кўрилатган тайёргарликка оид ишлари таҳлил этилди.

Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сайловини ўтказиш бўйича 12 та сайлов округи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати сайловини ўтказиш бўйича 60 та, туманлар кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш бўйича 327 та сайлов округи тузилган. Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик идораларида тузилган 53 та сайлов участкаси Тошкент шаҳрида-

ги сайлов округларига бириктирилган.

Ўрганишлар давомида ушбу округ сайлов комиссиялари биноларида ханузгача интернет алоқаси ишласлиги, участка сайлов комиссиялари учун ажратилган 46 та бинада таъмирлаш ишлари олиб борилаётганиги, улар учун алоҳида бина ажратилиш зарурлиги, комиссия аъзолари сайлов жараёни бoshқариш ахборот тизими бўйича ўқув машғулотида иштирок этмаганлиги аниқланган.

Сергели, Учтепа, Яшнободдан ташқари қолган халқ депутатлари туманлар кенгашларининг сессиялари қарорлари ханузгача Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш бўйича тузилган округ сайлов комиссияларига тўла тақдим этилмаган.

(Давоми 2-бетда)

### САЙЛОВЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ ҚАНДАЙ?

"Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар". 2019 йил 22 декабрда бўладиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайлови ана шундай шиор остида ўтади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси, худудларда ташкил этилган барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан ўз фаолиятларида мустақиллик, қонунийлик ва ошқоралик принципларига қатъий амал қилган ҳолда сайловни очик ошқора, миллий қонунларимиз, бой таърибамиз ва умумэтироф этилган халқаро стандартлар талабларига мос равишда юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга катта тайёргарлик кўришмоқда.

Дарвоқе, бўлиб ўтадиган сайловлар миллий қонунийлигимиз ва халқаро сайлов стандартлари асосида юқори савияда ўтказилишига 2019 йил 25 июнь куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ҳуқуқий асосдир.

Демократик сайловларни фуқаролик жамияти институтларининг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, бу жараёнда нодав-

лат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари алоҳида ўрин тутди. Улар сайловларнинг шаффофлиги ва очиклигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис бу йилги сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари бевосита фаол иштирок этишлари ҳамда жамоатчилик назорати ҳуқуқидан самарали фойдаланишларини тақозо қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамиятининг институти сифатида сайлов жараёни билан боғлиқ ваколатлар анчагина.

**Биринчидан**, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолар номзодлари бўйича тавсиялар тақдим этади.

**Иккинчидан**, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар тақдим этади.

**Учинчидан**, Олий Мажлис

Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловлар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади.

**Тўртинчидан**, Сайлов кодексига киритилган энг муҳим янгиликлардан бири – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам сиёсий партиялар каби ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчиларини қўйишга ваколатли.

Янги Сайлов кодексига биноан ўтажак сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларнинг иштирок этиши маҳаллага бўлган ишондан далолат. Бундай кенг қўламли кузатувдан мақсад – сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шу жумладан, сайлов куни овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш жараёнида сайлов қонунчилигига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини янада кенгрок амалга оширишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)





